


Янги Наманган тумани
Камбағалликни қисқартириш ва
Бандликка кўмаклашиш бўлими
бошлиғи



Ж.Атахажаев
2023 йил

Янги Наманган тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш

БАЙОНИ № 12.

“19” 06 2023 йил

Янги Наманган тумани

Йиғилиш раиси:

Ж.Атахажаев - Янги Наманган Тумани
Камбағалликни қисқартириш ва бандликка
кўмаклашиш бўлими бошлиғи

Қатнашдилар:

А.Нурматов Янги Наманган Тумани
Камбағалликни қисқартириш ва бандликка
кўмаклашиш бўлими бошлиғининг
ўринбосари

Қатнашдилар:

М.Мамаджанов - Янги Наманган Тумани
Камбағалликни қисқартириш ва бандликка
кўмаклашиш бўлими бошлиғининг
ўринбосарлари –камбағалликни
қисқартириш ва маҳаллани қўллаб
қувватлаш масалалари бўйича
ўринбосарлари, бўлим шўба мудири, бўлим
мутахассислари ва ходимлари.

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи З.Икрамов иштирокида 2023 йил 30 май куни бўлиб ўтган йиғилишда йўл қўйилган коррупциявий ҳолатлар танқидий таҳлил қилиниб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслик бўйича белгилаб берилган вазифаларни ижроси муҳокамаси.

Йиғилишда кайд этилдики, Бўлим бошлиғи Ж.Атахажаев ўз сўзида тизимда фаолият юритаётган хоким ёрдамчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупсияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, коррупсиявий ҳолатларни минималлаштириш мақсадида мунтазам равишда профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари махсус тайёрланган буклетлар бўлимдаги барча ходимлар столлари устига жойлаштирилди ва фуқаролар кўришига қулай бўлган жойларга осиб қўйилди, бироқ ўтказилган тадбирларга қарамасдан бўлимда коррупсиявий ҳолатлар юқориликча қолмоқда.

Жумладан: Шунингдек, жорий йилнинг 12 апрел куни Яккабоғ туманидаги маҳаллалардан бирида хоким ёрдамчиси лавозимида ишловчи С.С шахс ўзи норасмий раҳбарлик қилувчи 2 та МЧЖга қурилиш материаллари сотиб олиш бўйича банкдан ажратилган 1,7 млрд сўмлик имтиёзли кредит маблағларини бошқалар билан жиноий тил бириктириб, ўзлаштириш билан талон-тарож қилганлиги ҳолати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аниқланган.

Шахрисабз туманидаги Қўшчинор МФЙ фуқароси С.Б.нинг ўзи фойдалаланиб келаётган 5 гектар ер майдони аукцион савдоларига чиқиб кетганлигидан хабардор бўлиб, унга ушбу ер майдонининг 50 сотихини ўзига қолдириб бериши эвазига Қўшчинор МФЙ хоким ёрдамчиси Й.С. 500 АҚШ доллари олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўлга олинган.

Худди шундай Халқ банки Самарқанд шаҳар филиалидан кредит олмакчи бўлиб юрган фуқародан “Шукрона” МФЙда хоким ёрдамчиси лавозимида ишловчи шахс унинг ишончига кириб, банкдаги мансабдор танишлари орқали 150 миллион сўм миқдоридан кредит чиқариб бериш эвазига 1500 АҚШ доллари талаб қилган.

7 июнь куни Самарқанд шаҳар Сайфи Сарой кўчасида жойлашган “Шукрона” МФЙ биноси ёнида хоким ёрдамчиси фуқародан 1500 АҚШ доллари миқдоридан пулларни олган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинганлигига тўхталиб ўтди.

Бўлимдаги Хоким ёрдамчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бош мутахассисига ҳар бир маҳаллада иш фаолиятини олиб бораётган хоким ёрдамчилари билан коррупсиявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабабларни таҳлил қилиб бориш. Коррупсиявий ҳолатларга мойиллиги бўлган ходимлар билан алоҳида ишлаш кераклиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, коррупсияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш, коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, қонунчилик, хизмат интизоми, одоб-ахлоқ қоидалари ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишини амалга ошириш тўғрисидаги тарғибот ишларини олиб борилишини, назоратга олиши кераклиги алоҳида такидлаб ўтилди.

Бўлим бошлиғи ўринбосари А.Нурматов ҳамда Маҳаллани қўллаб қувватлаш масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари М.Мамаджанов сўзга чиқиб ходимларга Ўзбекистон Республикаси Камабағалликни қисқартириш ва Бандлик вазирлиги тизимида коррупсияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар орасида коррупсияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар орасида коррупсияга қарши курашиш маданияти даражасини янада кучайтириш, амалга оширилаётган ишлар мақсадлилиги ва самарадорлигини янада ошириш, “Фуқаролар меҳнат органларидан рози бўлиши керак” тамойилини сўзсиз амалга оширишни давом еттириш ҳамда коррупсияга қарши курашиш ва унинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш бу иллатга оқилона ишлаш тўғрисида гапириб, бўлимда олиб борилаётган ишлар “Адолат юзасидан ва виждонан йўналиши керак” деган шиор остида иш олиб боришимиз лозимлиги тўғрисида ходимларга бир қатор тушунчалар бериб ўтди.

Йиғилиш якунида бўлим бошлиғи Ж.Атажаев юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики Янги Наманган туманидаги ҳоким ёрдамчилари ўртасида профилактик тадбирлар ва тарғибот ташфиқот ишларини кучайтириш ва ҳар бир ҳоким ёрдамчиси ўз вазифасига виждонан ёндошиши, коррупсион жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт шaroитларни бартараф қилиш, жазо муқаррарлиги ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Камбағалликни қисқартириш ва Бандлик бош бошқармаси бошлиғи З.Икрамов иштрокида 2023 йил 30 май куни бўлиб ўтган йиғилишда йўл қўйилган коррупсиявий ҳолатлар танқидий таҳлил қилиниб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича белгилаб берилган вазифалари юзасидан бўлим бошлиғи Ж.Атажаевни маърузаси ижро учун қабул қилинсин.
2. амбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими, маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиларига Ўзбекистон республикаси Президентининг ПҚ-29 сонли фармони ва ПҚ-31 сонли қарорига асосан берилган вазифаларни тўлиқ ижросини таъминлаб, Оилавий тадбиркорлик йўналишида кредитлар ажратиш, ВМ-252 сонли қарор асосида субсидия ажратиш, ПҚ-373, ПҚ-20 сонли қарор асосида узоқ муддатли ижара асосида ер майдонлари учун тавсиялар беришда таниш билишчиликга йўл қўймаслик, қонун талабларига тўлиқ амал қилинишини таъминлансин.
3. Маҳаллани кўллаб қувватлаш масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари М.Мамаджановга;
 - ҳоким ёрдамчиларидан бўлим бошлиғи номига Кафолат хатлари олиш;
 - ҳар бир ҳоким ёрдамчилари билан коррупсиявий ҳолатларни олдини олиш коррупсиявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабабларни таҳлил қилиб бориш, коррупсиявий ҳолатларга мойиллиги бўлган ходимлар билан алоҳида ишлаш кераклиги;
 - ҳоким ёрдамчиларини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, коррупсияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, қонунчилик, хизмат интизоми, одоб ахлоқ қоидалари ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишини амалга ошириш тўғрисидаги тарғибот ишларин олиб бориши;
 - ҳоким ёрдамчиларидан тўлиқ ҳолда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида декларатсия олиш, аноним сўровномалар ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Мазкур йиғилиш қарорини ижросини назорат қилишни Бўлим бошлиғи ўринбосари А.Нурматов зиммасига юклатилсин.

Йиғилишни баёнлаштирди



Д.Бузрукова





